



Тарихий китобларда «иктоъ» феодаал институтининг XVI—XVIII аср бошларида Урта Осиёда тутган ўрни ва мавқеи ҳақида ханузгача аниқ бир фикр айтилмаган. Махсус китобларда бу масала хусусида П. П. Иванов томонидан бундан ўттизқирк йил муқаддам билдирилган кўп ҳам аниқ бўлмаган фикр ҳамон ҳукм суриб келади. Ваҳоланки, тарихий манбаларда бу масала хусусида аниқ фикр юритишга имкон берувчи маълумотлар анчагина учрайди, «Иктоъ» атамаси XIV асрнинг иккинчи ярмида муомаладан чиқиб, ўрнини «суюргол» атамасига бўшатиб берган бўлсада, XVI аср ўрталаридан бошлаб яна Ўрта Осиё манбаларида қўлланила бошланган ва бу ҳол XVIII асрнинг 20йилларига қадар давом этиб келган.

Тадқиқотчиларнинг «иктоъ» атамаси ва унинг моҳиятига берган баҳолари қай даражада? деган савол тугилади.

Бухоролик йирик тарихчи олим Хофиз Таниш Бухорийнинг «Абдуллонома» (бошқа номи «Шарафномаи шохий») асарини ўрганиш жараёнида П. П. Исамов биринчи бўлиб «иктоъ» атамасига тадқиқотчиларнинг диққат эътиборини жалб қилди ва қуйидаги ҳулосага келди: «Бу ерда сўз Эронда мўғуллар даврида (XIII—XIV асрларда — Б. А.) кенг тарқалган «харбий иктоъ» устида бораётир». «Суюргол», «иктоъ» ва «танҳо» атамаларининг бир маънода қўлланишларини таъкидлаб, у яна бундай дейди: «Суюргол» ва «иктоъ» атамалари билан бир қаторда Урта Осиёда XVI асрдан бошлаб биринчи маротаба муомалага кирган ва афсуски, зикр этилган («иктоъ» ва «суюргол» атамалари — Б. А.) билан бир маънода қўлланилган «танҳо» атамаси ҳам учрайди... ва бу ерда сўз бир хил инъомлар хусусида кетяпти. Фикримизнинг далили сифатида кўрсатиш мумкинки, XVII асрдан бошлаб «иктоъ» атамаси Урта Осиё манбаларида учрамайди ва ўз ўрниш тўла ҳолда «таҳо» атамасига бўшатиб беради. Бундан ҳулоса қилиш мумкинки, XVI асрда «иктоъ» атамаси афтидан китобий ибораларнинг анъанавий қолдиги сифатидагина сақланиб қолган.

Тахминан шундай фикрни йирик шарқшунос олим И. П. Петрушевский ҳам билдирган. У хусусан бундай деб ёзади: «Шубҳасиз, «иктоъ» феодаал институт сифатида XVI—XVIII асрларда ишлатилмаган ва ўз ўрнини—«суюргол» ва «тиул» институтларига бўшатиб берган.

«Иктоъ» атамаси XVI—XVII ва ҳатто XVIII аср тарихий манбаларида учраб туради. «Суюргол» ва «тиул» атамалари ва улар ифода этган институтлар эса кенг тарқалган эди. Аммо XVI—XVII аср тарихий манбаларида «иктоъ» атамаси аниқ юридик маънони ифода этмаган, балки инъом маъносида, яъни «иктоъ» ўрнини олган феодаал институтларни ифодаловчи синоним сифатида қўлланилган».

Таникли шаркшунос олим М. А. Абдураимовнинг фикрича, «иктоъ» атамаси XVI—XVII асрларда мустакил бир маънога эга бўлмаган ва «танхо»нинг синоними сифатида ишлатилган. Унинг ёзишча, «танхо» феодаал институти (муваккат, шартли тортик) иктоънинг бошлангич шаклидаги маъносига яқин маънода қўлланилган... бу даврда ҳар икки атама («танхо» ва «иктоъ» — Б. А.) муваккат шартли инъом маъносини билдирган. Қўриниб турибдики, бир гуруҳ мутахассис олимлар «иктоъ» XVI—XVIII асрларда «суюргол», «тиул» ва ҳатто «танхо» феодаал институтларининг синоними сифатида қўлланилган, деган фикрни илгари сурганлар. Аслида шундаймикан? «Иктоъ», «суюргол» ва «танхо» атамалари ўхшаш маънога эга бўлганмикан? деган савол тугилади.

«Суюргол» атамасини олиб қўрайлик, XVI—XVII аср манбаларида у «иктоъ» атамаси билан бир каторда «инъом» маъносида тушунилади. Аммо ҳар икки атаманинг («иктоъ», «суюргол») моҳияти ҳамма вақт ҳам бир хил бўлмаган. Чунончи, XVI асрда ҳар иккала атама: «иктоъ» ва «суюргол» институтлари бир маънога эга бўлган ва шартли равишда сулола аъзолари, ҳарбӣ бошликлар ва кўзга қўринган давлат арбобларига тожу тахт.олдида кўрсатган махсус хизматлари эвазига берилган инъом (вилоятлар, ноҳиялар) маъносини билдирган. «Иктоъ» ва «суюргол» эгалари молиявий ва маъмурий имтиёзларга эга бўлганлар. Масалан, XVI асрнинг иккинчи ярмида Шахрисабз ва унинг атрофидаги туманлар Абулхайр султоннинг иктоъси бўлган. Насаф эса Худойберди султонга суюргол қилиб берилган. Хисор — Ўзбек султонга иктоъ тарзида инъом этилган. Самарканд иктоъ сифатида ўзбеклар ҳукмдори Абдуллаҳон II (1583—1598) йиллари расмий равишда Бухоро тахтида ўлтирган)нинг иниси Ибодуллох султонга ҳадя этилган эди. Кейинчалик, яъни XVII—XVIII асрларда, суюргол маъноси ўзгариб боради. Юридик ҳужжатларда ҳам, тарихий китобларда ҳам, у мусулмонларнинг йирик пешволари ва уламоларига берилган турли ҳадялар (ер участкалари, маблағ)ни англатган. XVII аср тарихчиси Махмуд ибн Вали умуман ииъом ҳақида сўз борганда ҳар икки атамани: «суюргол» ҳамда «иктоъ»ни бир маънода (инъом маъносида) ишлатади ва уларнинг қўлланилишини аниқлаштиради. Масалан, суюргол деганда у давлат олдида кўрсатган алоҳида хизматлари эвазига шайхлар, уламолар ва шоирларга берилган инъомларни назарда тутди. Чунончи, аштархонийлардан Вали Муҳаммадхон (1608—1611) 1607 йили Тошкентти Ишим султои тасарруфидан озод қилгандан кейин кўрсатган катта ёрдамлари эвазига тошкентлик шайхлар, уламо ва олимларни тухфалар ва суюрголлар билан тақдирлайди. Яна бир аштархоний — Нодир Муҳаммадхон даврида (1642—1645) мавлоно Абдулмўмин Миёнқолий, мударрис Шсхбек қўқалтош (Ба.лхда), Малик Интиҳоб номини олган қасиданавис шоир ва олим мавлоно Ниёз, Шайх Низойи ва мавлоно Шариф Воло каби шоирлар унча катта бўлмаган суюргол эгалари бўлишган.

Р. Н. Набиев томонидан Бухоронинг шайбонийлар ва аштархонийлар сулолаларига мансуб ҳукмдорлари ва уларнинг Тошкент ва Амударёдаги ҳокимлари ёрликларининг ўрганилиши ҳамда А.Жувонмардиевнинг ҳозирги Наманган вилоятидаги Қарасқон ва Қизил работ қишлоқларида жойлашган Султон Саид авлиё авлодларига тегишли суюрголларни ўрганишга бағишланган асарлари шуни кўрсатадики, XVII асрда «суюргол» саййидлар, шайхлар, уламо ва йирик шоирларга тақдим этилган ҳар турли ииъомни англатган. Бу ҳолни Махмуд ибн Валининг юқорида тилга олинган маълумотлари ҳам

тасдиклайди. Афтидан, бу ерда биз XVIII аср охирида битилган «Ушрия ва хирожия ерлари хакида рисола» муаллифи бухоролик факих Ибодулло ибн хожа Ориф Бухорий томонидан ҳам аник таърифланган ва ўша давр учун ўта хос бўлган шартли тарзда бериладиган инъомни айнан ўзини кўриб турибмиз. Мазкур рисолада хусусан бундай дейилади: «Агар динпанох подшоҳ девон ихтиёридаги ерни (мамлакат) кимгадир инъом килгудай бўлса ва у (яъни мулк) уламо ва саййидларга берилса, суюрғол деб аталади; бордию харбийларга (мукотилин) ҳадя этилса унда танҳо деб аталади». Кўриниб турибдики, XVII асрдан бошлаб суюрғол ва иктоъ бир маънода қўлланилмаган.

Юкорида зикр этилган рисолада (Ибодулло хожа Бухорий асарида) тўғри кўрсатилганидек, XVI асрнинг иккинчи ярми—XVIII аср бошида «танҳо» (танҳо) атамаси ҳам тамоман бошқа маънога эга бўлган. Аник маълумотларга мурожаат килайлик. «Абдуллонома» муаллифи юкорида тилга олинган бухоролик ҳукмдор шайбоний Абдуллохон II билан Насаф ҳокими Худойберди султон ўртасидаги 1552 йили содир бўлган уруш хакида хикоя қиларкан, мапа буларни ёзади: «Абдуллохон галаба байроғини Қасби вилояти устига тиккандан кейин Насафнинг Оаъзи кишлокларини голиб қўшинга танҳо қилиб берди». Мир Муҳаммад Амини Бухорийнинг XVIII аср бошига тегишли қуйидаги маълумотлари ҳам катта аҳамиятга молик: «Бу беъмани эссизлар (Убайдуллохоннинг яқинлари— Б. А.) халқни ўзбеклар (ўзбек харбийкўчманчи аслзодалари) билан кўрки тиб ўз ҳолича иш тутиб, қонуни оёқ ости қила бошладилар; улар уялмайнетмай ва кетини ўйламай, халққа жабрзулм ўтказа бошладилар ва итоаткор кишилар устидан ҳукм юргиза бошладилар. Улар шу даражага бориб етдиларки, қонунлар чиқариб ўзбекларнинг танҳо ерларини ҳам ўз тасарруфига қиритиб олдилар... Харбийларга тегишли маошини олиш учун берилган ҳуқуқлар қайд этилган дафтарларни йўқ қилдилар. Оқибатда ўша харбийлар қуруқ қоздан бошқа ҳеч нарсага эга бўлолмадилар».

Келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, сўз юритилаётган даврда танҳо харбийлар ва қуйи табақадаги хизмат қиларнинг тирикчилиги учун ажратилган унча катта бўлмаган срлардан тушадиган ректа — солиқнинг ҳадя этилишини аңлатган.

Энди «иктоъ» атамаси хакида.

Ёзма манбаларда келтирилган маълумотларга кўра, XVI асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Бухоро хонлиги ўрамида (ҳам Мовароуннаҳр, ҳам ярим мустақил Балхда) давлатга қарашли ерлари иктоъ тарзида инъом этиш ҳоллари кенг тарқалган. «Иктоъ» атамаси эса шу вақтга қенг қўлланиб келинган «суюрғол» атамасини бутунлай муомаладан қўриб қиларди.

«Иктоъ» XVI—XVIII аср бошларида ҳукмрон сулола намоёндалари (султонлар) ва йирик амирларга маълум ўлка ва вилоятларнинг шартли равишда инъом этилишини аңлатади. Уларга инъом этилган ерларни идора қилишда қенг маъмурий ва иқтисодий ҳуқуқлар ҳам берилган. Сўзимизнинг исботи учун қайд этилган даврнинг асосий манбаларидан айрим мисоллар келтириб ўтамиз. Масала, «Абдуллонома» муаллифи Абдуллохоннинг Ҳузор ва Жигдалиқда ов қилишга оид воқеаларни баён этаркан (1586), қуйидаги муҳим

маълумотни келтиради: «У ерга Шахрисабздан улуг нўён Камбарбий етиб келди ва хурмат ила хукмдор олдида тиз чўкиб, унга иктоъ тарзида инъом килинган Шахрисабзга таклиф этди. Таклиф қабул килинди ва жаноби олийлари Шахрисабзга караб йўл олдилар. Зикр этилган амирнинг базми жамшидидан сўнг Шахрисабздан келадиган даромаднинг бир қисми унга берилиши ҳақидаги умиди рўёбга чиқмагач, жаноби олийлари ислом куббаси бўлмиш Балхга жўнаб кетиш. чари биланок, тўхтовсиз Шахрисабзни тарк этди ва Самарқандга, иқбол нишонлик султон Ибодулло олдида ошиқди ва у ерда унинг буюк амирлари сафига қўшилди». Хофиз Таниш Бухорий давом этиб: «Камбарбийдан сўнг хукмдорсиз қолган Шахрисабзга Шибиргон вилоятининг ҳокими олий иқтидорлик амир Абдусамадбий тайинланди. Шу билан бирга унга Шахрисабздан тушадиган даромадда 150 минг хоний микдордаги маблағ ҳам берилди». Замондош тарихчининг бу маълумотлари шуни аниқлатадики, иктоъ вақтинча ва шартли равишда берилган инъом бўлган: нктоъ эгаси келаятган солиқдарнинг факатгина ўзиинг туриштурмуши учун зарур бўлган микдоригагина дахлдор бўлган: факат айрим ҳоллардагина барча солнқлар унинг ихтиёрида қолдирилган. Буни зикр этилган Шахрисабзнинг собиқ хукмдори Камбарбиннинг вилоятдан тушаётган барча солиқларни ўз тасарруфига олиш учун қилган хаттиҳаракатларига оид маълумотлар тасдиқланди. Бу ҳолатни Махмуд ибн Вали тасдиғида ҳам қўриш мумкин. 1588/89 йили Балх хукмдори шайбоний Абдулмўминхон Машҳад, Сабзавор, Исфохон ва Нишопур устига қатта юриш қилди. Бу шаҳарларни ўз тасарруфига қиритгандан сўнг юришда фаоллик қўрсатган амирларга турлитуман иноятлар қилди. «Жумладан деб давом этади муаррих, — Шохмуҳаммад баҳодир Қўлобдан чақириб олинди ва Маймана, Форёб, Хайробо, Қайсар, Олмор вилоятлари ва уларга тобе бўлган ноҳиялар хукмдори қилиб тайинланди. Улардан йигиладиган йиллик даромад мавлоно соҳиб девон томонидан 200 минг танга микдорида белгиланди. Бундан ташқари, Али қипчоқнинг барча халқлари ва улуслари ҳам унга тобе этилди». Шундай қилиб, ўша даврда иктоъ муваққат инъом ҳисобланган ва марказий ҳукумат, яъни хон учун қилинадиган алоҳида хизмат учун берилган. Иктоъдор факат даромаднинг хон тфидан белгиланган қисмигагина эга бўлган. Олий мулкдорлик ҳақхуқи хон томонидан сақлаиб қолаверган. Қуйнда биз баъзи ҳолларда хоннинг хоҳиши билан иктоъларнинг мусодара қилиниши ва бошқа шахсларга инъом этилши, иктоъ ҳажмининг қисқартирилиши ёки қенгайтирилиши қаби ҳолларни ҳам қўраимиз. Иктоъ инъом этиш ва иктоъдорнинг мажбуриятлари билан боғлиқ масалаларга батафсилроқ тўхтаб ўтамиз. Факат хукмрон сулола вақиллари, йирик ҳарбий арбоблар ва қўчманчи феодаллар иктоъ эгалари бўлганлар. Иктоъ соҳиби хирожнинг бир қисмини давлат ҳазинасига топшириши зарур эди. Қўшни мамлакатларга уюштириладиган ҳарбий юришлар вақтида улар дарҳол ўз қўшинлари билан хонга ёрдамга боришлари ёки унинг ихтиёрига маълум микдорда қўшин юборишлари шарт бўлган. Жумладан, Мовароуннахрни исён ва тартибсизликлар қа.мраб олган ва қозоқ феодалларининг қўшинлари Бухоро ва Самарқанд остонасида турган бир вақтда (1599) шайбоний Пирмуҳаммадхон II (1798—1601) Бухоро, Самарқанд, Насаф, Шахрисабз, Хисор ва Қўлоб иктоъдорларини ўз туги остига тўплашга муваффақ бўлди. Махмуд ибн Валининг гувоҳлик беришича, уларнинг барчаси «шижоат ва ғайрат қўрсатдилар ва Мовароуннахр исён ва тартибсизликлардан тозалангандан кейингина ўз иктоъларига қайтиб кетдилар». Худди шундай аҳволни биз 1611 йили Вали Муҳаммадхонининг ҳокимиятни қайтариб олиш учун Эрон аскарлари ёрдамида Ўрта Осиёга бостириб қиришга оид воқеалар мисолида ҳам қўришимиз мумкин, Ушанда Имомқулихон (1611—1642)

Мовароуннахр иктоъдорларининг кўмагида ганимни маглубиятга учратиб, олий хокимиятни ўз кўлида саклаб қолишга муваффақ бўлган эди. Яна бошқа бир ерда Махмуд ибн Вали Мухаммадхоннинг 1607 йили Кўлобга, исёнкор Мирза Хасанга қарши юриши ҳақида хикоя қилар экан, бу ҳарбий юришда Мовароуннахрнинг 42 нафар иктоъдори қатнашганлигини айтади. Юриш муваффақиятли тугайдан кейин уларнинг барчаси бой ўлжалар билан ўз иктоъларига қайтиб кетишган. Иктоъ эгалари (иктоъдор)нинг бу ерда қайд этилган сони бу феодаал институтнинг биз сўз юритаётган даврда Ўрта Осиёда кенг тарқалганлигидан далолат беради.

Унди иктоънинг инъом этилиши тартибига келсак, энг аввало бу шартли тарзда бўлган, яъни вақтинча берилган.

Юкорида зикр этилганидек, олий ҳукмдор иктоъ ерларининг ҳажмини қисқартириши ёки кенгайтириши, иктоъдорларни у мулкдан бошқасига ўтказиши, кези келганда, асосли сабаблар бўлганда, иктоъдорни бу ҳуқуддан маҳрум этиши ҳам мумкин бўлган. Ўзбек султоннинг тақдири бунга яққол мисол бўлиши мумкин. У шайбонийлар орасида энг кўзга кўринганлардан, ёш жихатдан Абдуллахондан анча улуг, унинг амакиси бўлганди.

Маълумки, туркмўгул халқлари орасида сакланган расмрусмга кўра, ёш жихатдан улуглар махсус имтиёзларга эга бўлганлар. 1559 йилнинг август ойида унга Насаф ва Шахрисабздек йирик вилоятлар иктоъ тарзида инъом этилган эди. 1570/71 йили Абдуллахоининг Балхга, Динмухаммадхонга (1567—1573) қарши юришида Ўзбек султон Андхудни эгаллаб олгандан кейин, Абдуллахондан юз ўгириб Балх хокимига хайрихоҳлик изҳор қилади. Ушанда Абдуллахон унинг иктоъсини тортиб олади ва 1559 йилда Ибодулла султонга берилган (иктоъ тарикасида) Самарқанд мулкига қўшиб юборади. Ўзбек султон тўрт йил давомида Абдуллахоннинг мурувватини қутсада, хон барибир унинг аввалги иктоъсини қайтариб бермайди. Фақат 1574/75 йилдагина Абдуллахон Жуйбор хожалари

дан хожа Саъд, Қулбобо қўқалтош ва бошқа йирик мансабдорларнинг илтимосларини инобатга олиб Ўзбек султоннинг гуноҳидан ўтади, аммо аввалги иктоъсини (Кўлобни) қайта

риб бермайди: унга фақат Хисор вилоятинигина қолдиради, холос. «Абдуллонома» муаллифининг гувоҳлик беришича, Ўзбек султон кейинги йилларда марказий ҳукуматга сидқидил

дан хизмат қилади, Абдуллахоннинг барча ҳарбий юришларида фаол иштирок этади.

1585 йили Хасанбек Шайх Умарий ва Бобо Вали етакчилик қилган бадахшонликлар кўзголони

бостиришдаги фаол иштироки учун Абдуллахон қўшимча равишда унга Кўлоб вилоятини инъом этиб, унинг иктоъсини кенгайтириб беради.

Бу ҳусусда қуйидаги мисол ҳам аҳамиятга моликдир. XVIII асрнинг кўзга кўринган тарихчиларидан Мир Мухаммад Амини Бухорий шуни таъкидлайдики, хон иктоъ ҳажмини кенгайтиришда айрим ҳолларда қўл остидагиларнинг содиқлиги ва фаоллигидан келиб чиқиб сиёсат юргизган. Олим шундай хикоя қилади: «Амирлар ва лашкарбошилар довурак ҳукмдориинг Балхга, Махмудбийга қарши юриш зарурлиги

хакидаги бу сўзларини эшитишлари биланок, уларнинг хаммаси тиз чўкиб, бош эгдилар ва шундай дедилар: «Олий хукмдорнинг хохишларини амалга ошириш йўлида жонимизни ҳам аямаймиз, иайза ва киличларни ишга солиб, Тангрининг инояти билан, бу хиёнаткор ганимни бартараф килишга касамёд киламиз. Олам подшосининг нафосат таратувчи фикри бандаларига жондир. Шунинг учун кайгурмасалар ҳам бўлади. Биз кулларингизнинг жонимиз битта, бордию мингта бўлганда ҳам, не килардик? Албатта, уни султонимиз отларининг туёклари остига ташлаган бўлардик». Подшоҳ амирлари ва лашкароошиларининг ўз ҳаётларини у учун қурбон килишларига тайёр эканлигини эшитгач, уларнинг иктоъ ва маошлари микдорини ошириб, тухфалар такдим этиб, бахтиёр килади.

Шу ҳам диккатга сазоворки, ўрта осийлик хукмдорлар хорижий мамлакатлардан келиб қолган султонларга ҳам уларнинг хизматларини инобатга олиб, иктоъ инъом этганлар. Чунончи, козок султонлари Шигойхон ва унинг ўғли Таваккал султонлар Абдуллахоннинг Тошкент ва Туркистон хукмдори Бобохон авлодларига қарши қурашида қўрсатган ёрдамлари учун 1581 йили Хўжанд вилоятини иктоъ тарзида оладилар. Худди шундай мавкега хоразмлик султонлардан бири Ахмад султон XVII асрнинг биринчи чорагида Балхда эришган.

Балхда ҳам Мовароуннахрдагидек иктоъ ҳажми бир хилда бўлмаган ва иктоъдорнинг ижтимоий мавкеи билан боғлиқ бўлган. Хусусан, йирик амирлар ва кўчманчи қабилаларнинг сардорларига тегишли иктоъ факат битта вилоят билан чегараланган. Масалан, Кундуз — Абдурахмон оталикнинг иктоъси, Термиз — Уразбий оталикка тегишли, Жузжон — Хўжамбек тўксабонинг иктоъси, Андароб — Ёдгор қўрчига тегишли бўлган. Шахзодаларнинг иктоъси эса жуда катта ҳудудларни ўз ичига олган. Чунончи, 1630/31 йили Нодир Муҳаммадхон қуйидаги вилоятларни фарзандларига иктоъ қилиб берган: тўнгич ўғли Абдулазизга Балх мулки қарбий вилоятларининг катта қисмини, яъни Маймана, Шибиргон, Дарзоб ва Форёбларни инъом қилган. Орадан беш йил ўтгач, 1635/36 йили уларга Андхуд ва Жузжон вилоятларини ҳам қўшиб берди. Бу иктоънинг шарқий ҳудуди деб Хатабот қўприги, қарбда — Мурғоб қарёси, шимолда — Амударёнинг жанубий қиргоғи ва жанубда — Гур вилояти қабул қилинди. Ҳажм жиҳатидан Нодир Муҳаммадхоннинг бошқа ўғилларига тегишли бўлган иктоълар ҳам Абдулазиз султоннинг иктоъсидан қолишмаган. Масалан, Баҳром султон Хутталондек катта ўлканинг эгаси бўлган ва Вахш, Балжуон, Кубодиён, Помир ва Ҳашт ноҳияларини ўз ичига олган. Хусрав султонга эса тақрибан ўттиз ноҳияни (Айбак, Арханг сарой, Бағлон, Гурн, Қишм, Норин, Русток, Толиқоғ, Фархор, Хуст ва бошқалари) ўз ичига олган. Тоҳаристон иктоъ тарзида инъом этилган. Нуфўзли амирлардан олчин қабиласидан бўлмиш Ялангтўшбий ҳам йирик иктоъ эгаси бўлган. Унга Дарайи суф, Мулгон, Қохмерд вилоятлари, тулкичи, сайқанчи қиранғи, қилағи, қазораниқудорий сикқари қўчманчиқабилаларининг қуртлари, яъни Қазна ва Қандохорғача бўлган ҳудудни ўз ичига олган Қарқистон иктоъ тарзида ипъом этилган. Рус элқиси Анисим Қрибов (1641) ҳам Ялангтўшбийга тегишли иктоъ ҳудудларини тақрибан зикр этилганидек тартибда баён этади. Унинг ахборотида, қунончи, қуйидагиларни ўқиш мумкин: «Балхдан солиқ йиғиш учун Хиндистон давлати сарҳадларида қойлашган Хиндиқуш қишлоқларигача қорилади. Балхдан то Диндиқуш Оағридаги хинд қишлоқларига олио

борувчи йўл отлик учун 7 кун, туяда эса 14 кунлик йўл ва ундан кўпрокни ҳам талаб килади. Балх ва хинд сархадлари оралигидаги кишлоклар, шаҳарлар Бухоро ва Балх хонларининг якин кишиларидан бўлмиш амир Ялангтўшнинг мулки хисобланади». «Балх уласрор» муаллифи Ялангтўшбийни хондан кейин иккинчи, энг бадавлат шахс деб таърифлайди, унинг молмулки микдори эса давлат хазинаси билан киёслайди. Шундай қилиб, кўриниб турибдики, иктоъ — бу кенг камровли ва ўзига хос феодаал институтдир. Феодаал мулкчиликнинг иктоъ шакли тараккиёти борабора маҳаллий феодаалларнинг мустаҳкамланиши ва иктоъ эгаларининг мустикалликка тобора интилиб боришларига йўл очиб берди. Бу тўнтариш (яъни йирик ер эгалигининг тараккиёти — Б. А.),— деб ёзган эди Ф. Энгельс,— шуниси билан диккатга сазоворки, давлатни бирлаштириш, мулкдорлари олий ҳокимиятга қарам этиш ва бу билан подшоҳларнинг марказий ҳокимиятини қучайтириш йўлида қўлланган восита бўлишига қарамай, у охириқибатда тождорларнинг нуфузини тамоман кесиб қўйди, мулкдорлар мустикалликка йўл очиб берди ва давлатнинг таназзулига олиб келди. Ф. Энгельснинг XVIII аср олмонлар жамияти ҳаётига тегишли бу сўзлари XVI—XVIII асрлар Ўрта Осиё феодаал жамияти учун ҳам тўлалигича ҳосилдир. Эътиборга молик бир неча мисоллар келтириб ўтамыз. 1582 йил 19 сентябрда Абдуллахон II ўз ўғли ва тожу тахт вориси Абдулмўмин султонга Балх ва унга тобе вилоятларни иктоъ қилиб беради. 1585—1586 йиллари Абдулмўмин отасининг ҳарбий ёрдами билан Тохаристон ва Бадахшоннинг бир қисмини ҳамда Хутталон вилоятини ўз мулкига қўшиб олишга муяссар бўлади. Шундай катта мамлакатда ўз мавқеини мустаҳкамлаб олган Абдулмўмин бир йилдан сўнг, 1587 йили Бухорога, яъни отасига тобеликдан бош тортиб, ўз мулки мустикаллигини эълон қилади. Ахвол шу даражага бориб етадики, ҳар иккитомон жадал суръатлар билан урушга тайёргарлик қўра бошлайдилар. Амударё бўйларида ўз қўшинлари йигишга киришадилар. 1597 йилдаёқ улар бирбирларига қарши ҳарбий юришни бошлашга шай эдилар. Фақат Абдуллахоннинг тўсатдан вафот этиши (1598 йил 9 февраль) Балх билан Бухоро ўртасида содир бўлиши муқаррар бўлган қиргинбарот урушнинг олдини олди.

1645 йили Бухоро тахтидан ўз ўғли Абдулазиз султон томоида ағдарилган Нодир Мухаммадхон илгариги мулки Балхга қараб қочди. Сўнгра бухоролик лашкарларнинг Балхга ҳужумидан ҳавфсираб бобурийлар қўмағида чегараларни мустаҳкамлашга киришди. Аммо унинг ўғил ва набиралари (Субхонқули султон — Жузжонда, Қутлук султон — Қундузда, Қосим султон — Маймана ва Андхудда) биринкетин марказий ҳукумат тобелигидан бош тортиб исён қўтардилар. Бундай шароитда Нодир Мухаммадхон Хиндистон иодшоси Шохжаҳонга мқоя 1657) ёрдам сўояъ муожаат этишга мажбур бўлди; мамлакат хинд аскарлари томонидан забт этилди.

Келтирилган материал ва баён этилган фикрлардан қуйидаги хулосага келиш мумкин:

- 1) XVI—XVIII аср бошларида иктоъ маълум ҳудудни, яъни маъмурий суд ва солиқ дахлсизлиги билан вақтинчалик ва шартли равишда бериладиган инъомни аңлатган;
- 2) иктоъ эгалари ҳукмдор хонадоннинг аъзолари, йирик амирлар ва ҳарбий қўчманчи аслзодалардан иборат бўлган;
- 3) иктоъ микдори инъом этилаётган шахснинг жамиятда тутган ижтимоийсиёсий мавқеига боғлиқ бўлган;
- 4) иктоъ хирожнинг маълум қисмини марказий давлат хазинасига топшириб туриш ва ҳарбий хизмат қўрсатиш шарти билан берилган;
- 5) мамлакатнинг иктоъларга тақсимланиши, айниқса катта микдордаги иктоълар,

охирокибатда ўзаро феодад курашнинг кучайиб кетиши ва марказий хокимиятнинг заифлашувига ва бошбошдокликларга олиб келди.

Бўривой Ахмедов